

Профессионал бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Артур Григорян Венгриянинг Будапешт шаҳридаги «Kisstadion» спорт мажмуида навбатдаги жангини ўтказди. Бу гал у венгриялик Ласло Херцег билан куч синашди.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 сентябр, жума № 150 (1783)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МДҲНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15-16 сентябр кунлари Қозонистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг навбатдаги саммитида иштирок этди

Саммит қатнашчилари Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва мазкур иллатга қарши курашда ушбу мамлакат билан бирдамлигини билдирди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор дорадаги учрашувида ҳам, кенгайтирилган тартибдаги музокара-ларда ҳам террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракатларни тақомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтда МДҲнинг бир неча мамлакатларида рўй берган воқеалар террорчиликнинг усуллари кўпайиб бораётганидан дарак беради. Бундай шароитда фақат жипслашиб ҳамкорлик қилиш билан мазкур иллатга қарши туриш мумкин. Ҳозирча МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлиги бугунги кун талаби даражасида эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, террор муаммосига ҳамма давлат ҳам бирдай жиддий эътибор беришти, деб бўлмайди. Террорчиликни бевосита амалга оширадиганларга қарши курашиш - чоранинг бошланғичи, холос. Улар тайёрланадиган лагерларни бартараф этиши зарур. Энг муҳими, террорчиларни тайёрлаш, операцияларни молиялаштириш, одамларнинг онгини захарлаш билан шуғулланувчи марказларни йўқ қилиш керак.

Ислам Каримов МДҲ мамлакатларида экстремистик таъкилотларнинг рўйхатини тузиш, уларнинг фаолиятини қонун йўли билан тақиқлашни

тақлиф этди. Террорчиларнинг номаном рўйхатини тузиш ва уларнинг МДҲ мамлакатларидан наинки макон топшиши, бу ҳудудга ҳатто қадам боса олмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўриш керак, деди Ўзбекистон Президенти.

Айрим мамлакатлар ўзини террор учун «транзит» деб билиши, «тегмасак - бизга ҳам тегинмайди», деган тамойилга таяниши ўта хато, ҳатто хатарли қараш эканини бугунги ҳаёт, вазият яққол кўрсатиб турибди. Террор қўтилмаган жойларга ҳам кириб бормоқда. Демак, террордан холи мамлакат бор, деб бўлмайди. Шундай экан, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, бунинг учун бор куч ва имкониятни сафарбар этиш керак.

Ислам Каримов бу борада барча давлатлар мазкур иллатга бир хил назар билан қарашни, муаммога бир хил баҳо бериши гоят муҳимлигини таъкидлади. Бугунги кунда алоҳида олинган бирор давлат учун хавфсизлик тушунчаси ўз кучини йўқотган. Террорчи бир мамлакатда тайёрланади, иккинчисидан қурол, учинчисидан маблағ олади ва тўртинчи мамлакатда хунрезликни амалга оширади. Раҳнамолари эса яна бошқа бир мамлакатда ўрнашган бўлади. Дунёда рўй бераётган воқеалар террор чегара билмаслигини, миллат ва ёш танламаслигини кўрсатиб турибди. МДҲ мамлакатлари орасида эса чегара ва муҳожирликка, учинчи давлатлардан келган одамларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтишига доир масалалар ҳали пухта кўриб чиқилмаган. Демак, ҳеч бир мамлакат террор хав-

фидан тўла қафолатланмаган. Саммит қатнашчилари ялпи хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда, террорчилик, экстремизм ва ушунга жиноятчиликка, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтириш чораларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг баёноти қабул қилинди.

Олий даражадаги учрашувда қўрилган асосий масалалардан яна бири МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдир. Президентлар МДҲ доирасидаги ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил қилишди. Тегишли ҳукумат органларига уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдilar. Ислам Каримов эркин савдо зонасини барпо этиш масаласи ҳамон оқсалаётганини таъкидлади. Ҳолбуки, бу билан кўпгина муаммоларга ечим топиш мумкин бўлур эди. Товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати ўзаро ишонч ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди, ахборот алмашуви кучаяди. Айни пайтда қонунга ҳилоф савдо-сотикча чек қўйилади. Бу эса нафақат контрабанда ва ноқонуний муҳожирлик каби иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, балки хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам гоят муҳим аҳамият эга.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган Марказий Осиё ўмумий бозорини яратиш гоиси замирида интеграциянинг ана шундай шакли ўз ифодасини топган.

Аслида эса ўмумий бозорнинг ва эркин савдо зонасининг мोजияти битта. Ислам Каримов учрашув қатнашчиларини бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга, тезроқ амалий ишга ўтишга чақирди.

Саммитда энергетика, сув захира-лари, транспорт ва бошқа соҳаларда МДҲ мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Саммитда ноқонуний муҳожирликка қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси, жиноятчиликка қарши кураш бўйича 2005-2007 йиллардаги қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури, шунингдек, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Остонада Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Владимир Путин икки томонлама алоқалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик тамойилларига таянувчи муносабатларнинг бу йўли аҳолининг таҳлил этиб, истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири Тошкент-Остона-Тошкент

Тадбиркорлик - давр талаби

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш асосида эл-юрт дастурлигини тайёр, сифатли ҳолда етказиб бериш бир-бири билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, астойдил меҳнат қилишни талаб этади.

«НЕСТЛЕ»НИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Эзгу ният билан иш бошлаганимизда, бироқ қийинчиликларга дуч келидик, - дейди «Ухуд» фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Мамадалиев. - Сут, гўшт саноати соҳасида кўп йиллар ишлаганим учун ўнгимда «Оқбулок»нинг инкирозга юз тўтаётганидан ташвишга тушдим. Шу боис, фермер хўжалиги ташкил қилишга аҳд қилдим.

Шундай қилиб Мингбулок туман «Гигант» ширкат хўжалиги «Оқбулок» сут-товар фермаси «инкироз» аталмиш жарнинг ёқисидан қайтиб, «Ухуд» номи билан қайтадан иш бошлади. Бу фермада йилга 10 тоннага етар-етмас сут сотиларкан. «Ухуд» ўз фаолиятини бошлагандан сўнг кунига ҳар бош сигирдан ўртача 10-12 литрдан сут соғиб олина бошланди. «Қаловини топансиз, қор ҳам ёнади» деган нақл забардаст фермерга ёпишиб тушди. Боиси, ўтган йили 161 тонна махсулот ишлаб чиқарилиб, 127 тоннаси сотилди. «Ухуд» 45 нафар чорвадор ва галлакорларнинг бошини қовуштирди.

Мустаҳкам-озуқа базасининг яратилиши ишлашга ўз вақтида, ҳаттоки, олдиндан ҳақ тўлашади. Чорвадорни сарсон қилишмайди. Бугун ақсарият чорвадор билан галласангиз, сутнинг харид нархи ишлаб

чиқариш ҳарajatларини қопламаётганидан гапирди. «Ухуд»да бир литр сут юз сўм атрофидаги сарф билан тайёр бўлади. «Не-

стле» уни 165 сўмдан сотиб олади. Албатта, махсулотнинг сифатига қорхона талаби ҳам бор. Лекин мўйллилик даражаси кўп бўлганлиги боис, шериклар эътироз билдиришмапти.

Хўжалик аъзолари ойлик маошидан, кундалик ҳаётидан манун. «Ухуд»нинг доврғу баланд. Ўтган йили 15 миллион сўм соф фойда олинган. Ойлик маошлар вақтида берилади. Ишчиларнинг тўй ва бошқа маросимларини ўтказишда яқиндан ёрдам уюштирилади. Йил охирида фермер хўжалигининг пешқадам аъзоларидан 10 киши алоҳида 100 минг сўмдан муқофот пули оладилар. Бу фермер хўжаликида қатъий тартибда анъана тусига кирган.

Бугунги кунга келиб Мингбулокда фермерлар сон 400 дан ошди. Улар орасида «Ухуд» фермер хўжалигининг алоҳида ўрни бор. Хуллас, интиланганга толе ёр. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз тугайли яратилган имкониятлардир. Сифат ва самардорлик эса бугунги кунимизнинг долзарб талабидир.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Оролбўйдан мактублар ДАШТ ОЛМАЛАРИ

Далаларга олтин куз сепини ёйган. Қорақалпоқ қизларининг ол ёноғидек қизил олмалар, тилло-ранг беҳи ва ноқларнинг ҳиди димоққа урилади. Ишқомларда тилни ёрадиган асалдек узумлар, поллизларда болдан тотли қовун-тарвузлар...

Қарийб бир гектар майдонни эгаллаган «Ҳабибназар» деҳқон-фермер хўжалигининг боғларида пишқичлик. Асл касби ҳисобчилик бўлган ёш мутахассис Жуманазар Мамбетназаровнинг бу йилги ҳосилдан кўнгли тўқ. Субҳидамдан боғ айланади.

Бундан бир неча йил муқаддам дашт ерларига экилган ниҳоллар мева бера бошлади. Аҳоли учун парранда гўшти етиштирувчи фермер хўжалигида бошқа экинлар қатори мевали дарактлар ва турли навдаги ток кўчатлари ҳам ўстириляпти.

Шуманай тумани кишлоқ хўжалигига иختисослашган. Жорий йилда 13 минг 156 гектар майдондан деҳқончилик қилаётган чўл зироатчилари 7 минг 40 гектар ерда пахта, 262 гектарда сабзавот ва полиз, 1766 гектар майдонда бошқа экинлар парваришлямоқдалар. 4 минг 88 гектардаги галла йиғиштириб олинди, ерлар шудгорлаб қўйилди. Аҳолиси 41 минг кишилик туманда 6 та ширкат, 170 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти.

«Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими» Омонгул Қоруенованнинг «Омонгул» фермер хўжалигига қарашли 20 гектарлик далаларида пахта чамандек очилган. Тиниб-тинчимас қорақалпоқ аёли турмуш ўртоғи Айтжон, ўғиллари Даврон, Хўжабой, қизлари Гавхар, Гулойимини қавайтира олиб ҳар тўп гўзани фарзандидек асраб-авайлаб парваришляди. Пахта ва галладан улкан хирмон кўтарилганлиги тугайли оила бюджети мустаҳкамланди, даромад ортиб бормоқда.

Серўт айлоларда эл-юртинг минглаб чорва моллари боқилаяпти. Азамат чорвадорлар 600 тоннадан ортиқ гўшт, 2200 тонна сут, 300 минг донна тухум ва бошқа кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди. Кишлоқ хўжалигида 1 миллиард 300 минг сўмлик махсулот тайёрланди.

«Шуманай момиги» ҳиссадорлик жамияти дастлабки ҳосилни қайта ишлашга киришди. Қисқа технология асосида фаолият кўрсатаётган қорхонада хомаш сифати яхшиланди. Пахта толасининг асосий қисми хорижий мамлакатларга жўнатиляпти. Жамоа С.Тожмуратов, Қ.Саиджонов, Б.Тополов, агроном Қ.Худойбергенова каби илгорлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Жорий йил бошидан бери 315 та тадбиркор рўйхатдан ўтказилган бўлса, уларнинг 256 тасини кичик ва хусусий тадбиркорлик тизимлари ташкил этади. Қисқа муддатда аҳолига 210 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. 519 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 73 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, аҳоли жон бошига 5400 сўмлик пулни хизмат кўрсатилди.

Чакана товар айланиши 1 миллиард сўмликдан ошиб кетди. 460 миллион сўмлик қурилиш-ускуналар ишлари баҳарилди. Фуқароларга табиий газ, электр энергияси етказиб бериш, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ҳисобидан 216 миллион сўм даромад олинди. Ўртача ойлик иш ҳақи 24 минг сўмга етди. 5 минг 26 нафар пенсионер ва нафақа-хўрларга тўлаш учун 517 миллион сўм маблағ ажратилди.

Истикболдаги режалар янада катта. Амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини кўтариш ва моддий манфаатдорлигини яхшилаш имконини бермоқда.

Тонотар МАЛЛАЕВ, пудратчи, «Шухрат медали соҳиб



Абдуғопир Шокиров биринчилардан бўлиб Мирзачўлнинг ўзлаштиришга бел боғлаган фидойилардан. У 32 йил аввал оила аъзолари, ака-укаларини ёнига олиб, кимсасиз ерларга келганида ҳаммасини янги-дан бошлашга тўғри келди. Дастлаб ертўлаларда яшди. Чўлнинг қутилмаган нағмаларига, қаҳратон кишига чидади. Йиллар ўтди. А. Шокиров механизатор, бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи ва бошқа вазифаларда сидқидилдан ишляди.

Мустақиллик шарофати тугайли агросаноат мажмуида туб ислохотлар изчил амалга оширилла бошлади. Ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра «Фаргона» ширкат хўжалиги фермерлар уюшмасига айлантирилди. Бироқ ширкат тасарруфида тажриба тарикасида ташкил этилган «Чорвадор» ижарадаги хўжалиги тақдирини ҳал этиш неғадир туман раҳбарлари ҳамда мута-саддилар ҳаёлидан кўтарилди. Шу ўринда фермадаги аҳоли, унинг ижарага берилиши ҳусусида икки оғиз сўз.

Бир вақтлар чорвачиликни изчил ривожлантириш мақсадида Голландиядан катта маблағ ҳисобига 200 бош гунажин олиб келинди. Моллар меҳр билан парваришлянди. Натижа чакки бўлмади. Бош сони кўпайиб, ҳар сигирдан 5600 килограммга сут соғиб олишга эришилди. Бахтга қарш вақт ўтиши билан муҳим тармоққа эътибор сусайиб, молларни зооветеринария талаблари асосида парваришляшда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Боз устига ем-хашак етиштириладиган майдонлар асосида равишда қисқартирилди. Бунинг натижасида зотдор моллар касалликка чалиниб, анча «сийраклашиб» қолди. Бир йилнинг ўзида 107 бош қорамол қичимга чиқарилди. Сўнгги масусида эса 86 бош говмиш мажбурий сўйилди.

2000 йил ўша пайтдаги туман раҳбарининг 55-сон қарори билан «Чорвадор» ижара хўжалиги ташкил этилиб, Абдуғопир Шокиров зиммасига юклатилганда фермада бор-йўғи 74 бош қорамол қолган бўлиб, 70 фоиизи касалликка чалинган эди. Ижарачилар туну кун меҳнат қилиб аҳо-

лимизга ҳаракат қилишди. Қўлдан қувён қочиб қутилма деганларидек, ўтган даврда истеъмолчиларга 9238 киши лоғрам гўшт етказиб берилди. Вилоят наслчилик бошқармаси орқали қарийб 20 та зотли мол бошқа туманларга тарқатилди. Арзон ва сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари ишчи-хизматчилар, болалар оромгоҳлари, мактабларга ет-казиб берилди. Ижарачилар кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишилардан ҳам меҳр-муруватларини аямшди.

2003 йилнинг январиде тумандаги барча хўжаликларда мулк шакли ўзгарди. «Чорвадор» ижара хўжалиги эса наслчилик хўжалиги бўлганлиги учун кимшоши савдосига қўйилмади. Муҳим тармоқни ривожлантириш юзасидан қўшма чора-тадбирлар белгилашга ютуқлар бой берилиб, аҳоли ачинарли бўлиши

Тўрткўл туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳудудда айни пайтда марказий шифохона, 2 та махсус диспансер, 3 та кишлоқ участка касалхонаси, 11 та ҚВП ва 8 та кишлоқ врачлик амбулаторияси фаолият кўрсатмоқда. Шифо масканларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланаётгани айни мудоаидир. Хусусан, жорий йилда кишлоқ врачлик пунктлари 16-20 миллион сўмлик даволаш анжумларига эга бўлди.

Суратларда: шифохона фаолиятдан лавҳалар. И.ҲАСАНОВ олган суратлар

мумкин эди. Шу боис А.Шокиров 2003 йил ёзида туман ҳокими номига ариза ёзиб, амалдаги қонунлар асосида «Чорвадор» ижара хўжалигининг мулкчилик шаклини ўзгартириш беришни сўради. Таажубки, орадан бир ярим йил вақт ўтсади, унинг хатига жавоб бермади, унинг хатига жавоб бермади, унинг хатига жавоб бермади. Бу орада ижарачи хўжалик ва ҳокимлик ўртасида катнаш-катнаш чарчади.

Жорий йилнинг июлида туман раҳбарлари қутилмаганда фермага қадим ранжиде қилиб барча керакли ҳужжатларни

мади. Фермада йиллар мобайлида захмат чекиб ишлаганларга алам қилди: наҳотки шу ҳудуднинг ўзидан, шу ерда ишлаётганлар орасидан мулкка эгалик қиладиган топилмас-са? Бутун бошли ферма ўроқда йўқ, машоқда йўқ нотаниш бир кимсага бериб юборилса, бу кимни ҳам ажаблантирмайди? Шу ўринда туман ҳокимининг шу йил 20 июлдаги 330-сонли қарорига эътибор қаратайлик. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «Фаргона» ширкат хўжалиги тугатилган-



Бахт Сири «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими психологлар ёрдамида маҳалла хотин-қизлари ўртасида «Соғлом фикр» мавзусида семинар-тренингда ўтказишни йўлга қўйди. Навоий шаҳрида ўтган навбатдаги семинар «Бахтнинг ўн сир» деб номланди. Унда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, қўни-қўшничилик алоқалари, муомала маданияти каби масалалар борасида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди.

тугатиб юборилган, бироқ жойдан рўйхатдан ўтмаган кишлоқ ва сут хўжалиги бўлими бошлиғи зиммасига юклатилган.

Буниси ҳали ҳолва экан. 19 августдаги 372-қарорнинг мазмуни янада хайратланарлиқ: «Чорвадор» ижара хўжалиги бундан 1 йил аввал тугатиб юборилган «Фаргона» ширкат хўжалиги балансида қайта киритилиб, «масъулияти чекланган» жамиятга айлантирилди. Ширкат ишлари охирига етказилгани ҳақида қадим хўжаликка раҳбарлик қилиш вақтинчалик Ш.Ғаппаров зиммасига юклатилсин», дейилади. Табиий савол тугилади: йўқ хўжаликнинг баланси қай ердан ўйлаб топилди...

Ислохотлар йўлига қўйилган сўний говлар, пайдар-пай ҳужжатлар фермадаги аҳолини яхшилаш ўрнига мураккаблаштириб юборди. Меҳнат аҳлининг баъзи раҳбару мутахассислар нисбатан ишончи йўқолди. Эскича услуб, буйруқбозлик касалидан фориғ бўлолмаганлар касрига кўпнинг меҳнати билан бундиде этилган 14 гектарлик иссиқхона ва бошқа қатор қорхоналар кимларгадир арзон нарҳларда сотиб юборилди. Айримларини бузиб, қурилиш материалларини қаерларгадир олиб кетишди. Бас, шундай экан «Чорвадор» ижара хўжалигининг ҳам тақдирини худди юқоридеги тақдир сингари кечмайди, деб ким қафолат бера олади?

Абдусамӣ ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» махсус мухбири

Касаба уюшма қўйи бўғинларида

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Касаба уюшма обрў-этибори, етакчи сай-хара-кати, унинг тиришқоқлигига боғлиқ. Бу бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловлар-да янада яққолроқ кўзга ташланапти.

Таълим ва фан ходимла-ри Гулистон туман қўмитаси раиси Ёқубжон Мамадалиев 2-мактабда бўлиб ўтаётган ҳисобот йиғилишига тақдир этиб қолди. Раиснинг эъти-рофи эътибор, энг жанговар йиғилиш шу ерда бўларкан. Номзодлар ҳам оза эмас. Беш киши рўйхатга олинди. Муаллимлар демократик сайлов тарафдорли.

Муаллимлар жамоаси йи-ғилиш бошланганини кутти-шаётган экан. Тан олиш ло-зим. Ақсарият жамоалари ва қадар уюшқоқликини кўзатиш-ганми. Бир қатор ўқитувчи-лар фикри билан қизиқдик. — Мактабимизда касаба уюшманинг ўрни, обрў-эти-бори катта. Шунинг учун унга ишончимиз ошиб, суяниб қолганми, — дейди халқ таъ-лими аълочилиси Мунисахо-н опа Эрматов. — У барча му-аммоларимизни ҳал этишга қодир.

Кекса мураббий сўзлари-да жон бор экан. Ташкилот-ни беш йил мобайнида бошқарган Фафура Бийтўра-ева ҳисоботида бу тўла ис-ботини топти. Утган фурсат-да маъмурият ва касаба уюш-ма ташкилоти сай-харакати билан анча-мунча иш қилинди. Энг аввало, мактабда муаллимларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун дам

олиш хонаси ташкил этилди. Замонавий видео-аудио ап-паратлари, телевизор ва бо-шқа техник воситалар билан жиҳозланган дам олиш хона-сида ҳар қандай қарор шунинг-дек, бу ерда билимини чарқ-лаш имкони ҳам яратиб қўйилган.

Этиборли жиҳати касаба уюшма нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар манфаати-ни ҳам ҳисобга олиб келяпти. Хар йили кам таъминлан-ган оилалар фарзандларини бепул дарслик билан таъ-минлаш, ҳомийлар кўмағида ўқувчиларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиляпти. Амалдаги йилда ҳам 170 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул китоб-дафтар, ўқув қуролла-ри билан таъминланди. Мак-табни битириб, ўз ҳаёти йўлларини топган собиқ ўқувчилар билан узвий ало-қалар боғланган. Улар мада-ди билан мактаб ҳовлисига буюк бобоқалонимиз Алишер Навоий сиймоси ўрнатилди. Мана уч йилдики, мактаб ўқувчилари республика све-тафор мусобақаси қолиби са-налади. Бу йил эса улар бар-ча рақибларини доғда қол-дириб, биринчи ўрин сохиб-лари бўлишди. Уларни маб-лаг билан таъминлашда бошланғич ташкилот ҳисса-

си салмоқли бўляпти. Маъмурият билан тузил-ган жамоа шартномасида акс этган барча имтиёзлар амалиётга тадбиқ этиб кели-няпти. Самарали ҳамкор-лик натижаси улароқ бюд-жетдан ташқари топишган маблағ ҳисобидан ўқитувчи-ларга моддий кўмак кўрса-тилди. Кексалик гапни сураётган Александр ва Вера Хоружовлар, яқка-ёл-ғиз қария Нусха хола мак-таб оталиғига олинган. Улар хонадонлари таъмирланиб, рўзғор юмушларида кўмак-лашиб келиняпти.

Худуддаги тадбиркор ва фермерлар билан амалий алоқалар боғланган. Улар мактабни моддий томондан қўллашга ҳамма шай. «Зи-ёкор» фермер хўжалиғи 100 минг сўмлик моддий кўмак ажратганлигига шохид бўлди. Шунингдек, қўшим-ча маблағ топиш мақсадида мактабдаги 7 та тикув ма-шинасида 3 таси ижара асосида ишлатилди.

Йиғилишда сўз олган мактаб раҳбари Муҳаммад-жон Раҳимов ташкилот фа-олиятига ҳолис баҳо берди. Кейинги йилларда касаба уюшма фаолиятида туб бу-рилиш ясашга эришилди. Бу маъмурият олдига қўйилган талаб ва тақлиф-ларда ҳам ўз аксини топа-ляпти.

Номзодларга ҳам ўз дас-турларини намойиш этиш имкони берилди. Аммо со-ҳада тажриба тўплаган, одамлар калбига йўл топа олган Фафура Бийтўраева-дан жамоа кўнгил узолма-ди. Кўпчилик овоз билан у яна ташкилот етакчилиғига сайланди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

«Бузачи» кишлоқ фуқаролар йиғини худудида 2000 га яқин аҳоли яшайди. Туман марказидан 12 чакирим олинса жойлашган масканда одамларни иш билан таъминлаш мақсадида ўнлаб ки-чик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари барпо этилди.

Туман меҳнат бўлими ва фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш» маркази ташкил этилди. Тажри-бали хунарманд Ш.Хидирова 12 нафар қизга тикувчилик касби сирларини кўн билан ўргатмоқ-да. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда 3 нафар ёшга но-ввойчилик, 4 нафарига зардушлик, касби бўйича машғуллар ўтқа-зиляпти. Бундай қисқа муддатли ўқувлар Абдуқолиқ Гиждувоний номли, «Дўстлик», «Пахтакор», «Ўзбекистон», «Мустақиллик», Ал-Фарғоний номли ширкат хўжа-лиқларида, «Навбахор», «Жарқоқ» кишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ишлаб турибди. Уларда иш-сиз юрган йигит-қизлар қизиқи-шлари қараб хар хил касбларга ўргатиляпти.

Коровулбозор туманида Ўзбе-кистон Республикасининг «Аҳоли-

ни иш билан таъминлаш тўғриси-да»-ги Қонуни талаблари асосида «Бандлик» дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан 422 та иш ўринлари яратилди. Жумладан, кишлоқларда 237 та янги иш жойлари очилди.

Қўлда ташкил этилган навқирон туманининг иқтисодий ривожланиб бормоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзнефгазкудуктаъ-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ МАРКАЗИ ИМКОНИЯТЛАРИ

мирлаш», «Техник жиҳозларни йи-ғи ва бутлаш», «Ўзбекгазпарма-лаш», «Ўзлартампожа», «Ўзлар-вотранс», «Ўзларқурилиш» каби йи-рик корхоналар фаолият кўрса-тётган худудда меҳнат бозорини шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор бе-риляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида меҳнат бўлимига иш сўраб му-рожаат қилганлари сони 400 нафардан ошиб кетди. Улардан 231 нафари ишга жойлаштирилди. Янгидан 361

«Бандлик» дастури амалда

та иш ўринлари яратилди. Вояга етмаган фарзандлари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота-оналар ва кам таъминланган оила аъзоларидан 45 нафари, таълим муассасаларини битирган ёшлардан 74 нафари, ҳарбий хизматдан бўшатилганлардан 26 нафари, жа-зони ўташ муассасаларидан қайт-ганларнинг 2 нафари имтиёзли иш билан таъминланди.

Хайдовчи касбини эгаллаган «Те-мирийўли» кишлоғида яшовчи Се-риқой Ўтовон йил бошида туман меҳнат бўлимига мурожаат қилган эди. Бўлим ходимларининг сай-харакати билан 24 ёшли йигит «Ўзнефгазкудуктаъмирлаш» очик ҳиссадорлик жамиятига хайдовчи бўлиб ишга жойлашди. Ҳозирги кун-да у ойига 70 минг сўмдан маош оляпти. Эгаллаган касбидан мам-

нун. Жаҳонгир Темиров Коровул-бозор темирйўл станциясига, Би-биражаб Баратова, Юрий Дарсоний-лар «Ўзпарқурилиш» очик ҳиссадор-лик жамиятига ишга юборилди.

Туманда 12 минг 699 нафар аҳоли бўлиб, шундан 6749 нафари меҳнатга лаёқатли кишилардир. Одамларни ижтимоий муҳофазалаш имкониятларини кенгайтириш мақ-садида меҳнат бозорига кенг ўрин берилди. Ҳокимлик, ўзини ўзи бош-қариш идоралари, саноат, кури-лиш, транспорт ташкилотлари бил-лан ҳамкорликда 3 марта меҳнат яр-маркалари ўтказилди. Бу тадбирда 51 та корхона ва ташкилотлар 576 та бўш иш ўринлари билан ишти-рок этдилар. Ишга жойлаштирил-ган 85 нафар фуқаронинг 56 нафа-рини ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, 40 дан ортик кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 1000 дан зиёд фуқаро тадбиркорлик фа-олиятига жалб қилинди.

Ғани НИЁЗОВ, Коровулбозор туман меҳнат бўлими бошлиғи



Қизилтепа туманида ҳам аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қонди-ришга катта аҳамият берил-моқда. Ҳозир тумандаги де-ярли барча хонадонлар газ-лаштирилиб бўлиди. Хона-донларга газ ўлچагичлар ўрнатиш ҳам жадал суръат-ларда олиб борилмоқда.

Қизилтепа туманида ҳам аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қонди-ришга катта аҳамият берил-моқда. Ҳозир тумандаги де-ярли барча хонадонлар газ-лаштирилиб бўлиди. Хона-донларга газ ўлچагичлар ўрнатиш ҳам жадал суръат-ларда олиб борилмоқда. **Суратлар: туман газ таъминот бўлими раҳбари Зокир Бобомуродов(ўнгда) хо-димлар билан навбатда-ги вазифалар ҳақида сўхбатлашмоқда.** Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

«Жиззахтаъмир» ҳисса-дорлик жамиятида «Кейс»-комбайнлари ва «Магнум» тракторларининг 48 тур-даги эҳтиёт қисмини иш-лаб чиқариш, 37 турдаги эҳтиёт қисмини капитал таъмирлаш йўлга қўйил-ди. Корхона шу йилнинг ўтган даврида виллоятда-ги МТПларга қарийб 640 миллион сўмлик эҳтиёт қисм етказиб берди.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Наврўз, Муста-

шилди. Улар учун бир пи-ёла чой ташкил этилди.

табларда таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларига 2 милли-он сўмлик дарсликлар, ўқув қуроллари олиб бе-рилди. «Наврўз» ва «На-ргиза» болалар боғчалари-га 400 минг сўмлик мод-дий ёрдам кўрсатилди.

Ушбу худудда жойлаш-ган, «Жомбой ун заво-ди», «Бозорбой ота» фер-мер хўжалиғи кўрсатаёт-ган оталиқ ёрдамлари ҳам катта бўлмоқда. — Мен ёшим эллика борганда ногирон бўлиб қолдим. Яхши одамлар бор экан, ҳолимдан ха-бар олиб турибди, — дей-ди Очил Султонов. — Қарийб ўттиз йил «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғида ҳисобчи бўлиб ишладим. Хўжалиқ раҳбарлари меҳ-натимни қадрляпти. Яқинда 168 минг сўмлик ногиронлик аравачаси олиб беришди.

Ха, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат қарор топган жой-да кишиларнинг эртанги кунга бўлган ишончлари тобора ортаверади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

ўтган ойлار мобайнида 20 нафар киши ногиронлик аравачаси сўраб, ариза берди. Шундан айни пайт-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

Тумандаги барча ширкат хўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермерлар ўз худудларидаги ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни оталиқларига олишган. Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев раҳбарлик қилаётган Хўжам Низамов номли ширкат хўжали-ғида истикомат қилувчи 16 нафар кам таъминланган оила, 3 нафар ногиронли хўжалиқ ўз ҳомийлиғига олган. «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғи жамоаси эса худудда яшовчи 32 нафар уруш қатнашчисига ҳомий-лик қилишмоқда. Шунинг-дек, улар 11 нафар ногир-он ёш болаларга мурув-ват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. 5-,6-,8-,34-мак-

килик байрамларида ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунинда уруш қатнашчи-лари, ногиронлар, ёлғиз кек-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

Тумандаги барча ширкат хўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермерлар ўз худудларидаги ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни оталиқларига олишган. Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев раҳбарлик қилаётган Хўжам Низамов номли ширкат хўжали-ғида истикомат қилувчи 16 нафар кам таъминланган оила, 3 нафар ногиронли хўжалиқ ўз ҳомийлиғига олган. «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғи жамоаси эса худудда яшовчи 32 нафар уруш қатнашчисига ҳомий-лик қилишмоқда. Шунинг-дек, улар 11 нафар ногир-он ёш болаларга мурув-ват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. 5-,6-,8-,34-мак-

килик байрамларида ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунинда уруш қатнашчи-лари, ногиронлар, ёлғиз кек-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

Тумандаги барча ширкат хўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермерлар ўз худудларидаги ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни оталиқларига олишган. Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев раҳбарлик қилаётган Хўжам Низамов номли ширкат хўжали-ғида истикомат қилувчи 16 нафар кам таъминланган оила, 3 нафар ногиронли хўжалиқ ўз ҳомийлиғига олган. «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғи жамоаси эса худудда яшовчи 32 нафар уруш қатнашчисига ҳомий-лик қилишмоқда. Шунинг-дек, улар 11 нафар ногир-он ёш болаларга мурув-ват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. 5-,6-,8-,34-мак-

килик байрамларида ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунинда уруш қатнашчи-лари, ногиронлар, ёлғиз кек-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

Тумандаги барча ширкат хўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермерлар ўз худудларидаги ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни оталиқларига олишган. Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев раҳбарлик қилаётган Хўжам Низамов номли ширкат хўжали-ғида истикомат қилувчи 16 нафар кам таъминланган оила, 3 нафар ногиронли хўжалиқ ўз ҳомийлиғига олган. «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғи жамоаси эса худудда яшовчи 32 нафар уруш қатнашчисига ҳомий-лик қилишмоқда. Шунинг-дек, улар 11 нафар ногир-он ёш болаларга мурув-ват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. 5-,6-,8-,34-мак-

килик байрамларида ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунинда уруш қатнашчи-лари, ногиронлар, ёлғиз кек-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

Тумандаги барча ширкат хўжалиқлари, корхона ва ташкилотлар, фермерлар ўз худудларидаги ижтимо-ий ҳимояга муҳтож аҳоли-ни оталиқларига олишган. Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев раҳбарлик қилаётган Хўжам Низамов номли ширкат хўжали-ғида истикомат қилувчи 16 нафар кам таъминланган оила, 3 нафар ногиронли хўжалиқ ўз ҳомийлиғига олган. «Ҳақиқат» ширкат хўжалиғи жамоаси эса худудда яшовчи 32 нафар уруш қатнашчисига ҳомий-лик қилишмоқда. Шунинг-дек, улар 11 нафар ногир-он ёш болаларга мурув-ват ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. 5-,6-,8-,34-мак-

килик байрамларида ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунинда уруш қатнашчи-лари, ногиронлар, ёлғиз кек-гача 12 нафарининг тала-би қондирилди.

МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

Навоий қурилиш касб-хунар коллежида шахар меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимининг нав-батдаги меҳнат ярмарка-си бўлиб ўтди. Унда са-ноат ва қурилиш корхо-налари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўш иш ўринлари билан иш-тирок эди.

Бу йил коллежи икки оядан зиёд йигит-қиз битирди. Уларнинг ақса-рияти шу ерда - ярмар-када дурадгорлик, сув таъминоти ва канализа-ция, автотранспортдан фойдаланиш, кимё те-хнологиялари ихтисослик-лари бўйича ишга жой-лашди.

БОЛАЖОНЛАР ШОДЛИГИ

Пахтаобод туманидаги 31-сонли мактаб-интернат деярли ярим аср аввал қурилган бўлиб, капитал таъмирга муҳтож эди. 250 ўқувчига мўлжалланган ушбу мактаб биноси жо-рий ўқув йили бошида ка-питал таъмирдан чиқари-либ, болалар ихтиёрига топширилди. «Пахтаасано-ототиш» худудий бир-лашмаси бу хайрли ишга 120 миллион сўм микдо-рида маблағ ажратиб, ўзининг муносиб ҳисса-сини қўшди.

Виллоятнинг маъсуля-ти чекланган савдо-тай-ёрлаш жамияти қошида-ги қурилиш корхонаси усталари томини янгилаб, истиши тизимини алмаш-тиришди. Бундан ташқа-ри, интернатда қўшни бо-лалар бокчаси учун бе-пул ўйин майдончаси қу-риб беришди.

Мактаб-интернатнинг очилишига бағишланган маросимда қатор ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар улашилди. Шу жумладан, интернат ўқу-вчиларига «Ўзбекенгилса-ноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан 1 миллион сўмлик чек, 3 миллион сўмлик спорт кийимлари тўпалари ва ҳоказолар топширилди.

Бойсундаги 12-меҳри-бонлик уйининг 170 на-фар тарбияланувчиси янги ўқув йилини компьютер-лашган синфхоналарда бошлади. Компьютерлар-ни Сурхондарё виллоят ҳокимлиги ҳамда Термиз давлат университети жа-моаси совға қилди.

«КИЗИЛЧА»ГА СУВ КЕЛДИ

Нурота туманидаги «Кизилча» қорақўлчилик ширкат хўжалигининг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. «Обиҳат-ЛТД» корхона-си қурувчилари томони-дан 25 миллион сўмлик иш бажарилди. Хўжалик марказига олти чакирим ўзқосқандаги Ширбулоқ ва Қораксан булоқларидан сув олиб келинди.

(ЎЗА)

Жомбой туманида меҳр-мурувват кўрсатиш бора-сида муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, ижтимоий муҳофазага фақат давлатнинг иши, деб қарамасдан меҳнат жамоалари, корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқлари, тадбиркорлар ҳам бош қўшаётир.

— Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бир қатор хайрли ишларга кенг йўл очиб берди, — дейди ту-ман ижтимоий таъминот бўлими бошлигининг ўрин-босари Саид Мирзаев. — Ногиронлар, етим-есир-лар, кам таъминланган оил

КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

беллашув майдони эзгуликка хизмат қилади

МИНИ ФУТБОЛ

Спартакиада дастуридан ўрин олган мини футбол ўйинлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Негаки, «миллионлар ўйини» дея таърифланадиган ушбу энг оммавий спорт тури бўйича ўтказиладиган бахслар бетакрор жозибага эга.



Мини футбол беллашувлари дастлаб гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилди. Унда ун саккизта жамоа иштирок этди. Жумладан, «А» ва «В» гуруҳларида бештадан, «С» ҳамда «D» гуруҳларида эса тўрттадан жамоа жой олди. Ҳақиқатинан ҳам мини футбол Федерациясининг тажрибали мутахассиси Алишер Файзиев бошчилигидаги малякали ҳакамлар бошқарилишида таъкидлаш керакки, бу спартакиада ташкилотчилари мусобақаларни юксак савияда ўтказишга катта аҳамият қаратганидан далолатдир.

Мусобақани «А» ва «В» гуруҳи жамоалари бошлаб берди. Аввалига Автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг «Автомобилчи» ва ҳудудий мусобақа голиби - Навоий вилоят касаба уюшмалари Кенгаши жамоалари майдонга тушишди. Бу ўйинда рақиб футболчиларига нисбатан анча ушқоқлик билан ҳаракат қилган «Автомобилчи» футболчилари йирик ҳисобда ғалаба қозондилар. Шу ўринда автомобилчиларнинг ушбу ғалабаси бежиз эмаслиги, улар спартакиадада пухта тайёргарлик билан келишганлиги алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим. Зеро, «Автомобилчи» кейинги беллашувларда ҳам ажиб ўйин намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, «В» гуруҳидан жой олган яна бир жамоа - «Авиа-Алоқа» аъзолари ҳам гуруҳ мусобақала-

рида муносиб қатнашдилар. Нафақат «А» гуруҳи бахслари, балки саралаш учрашувлари орасида ҳам «Машинасоз» - «Ҳосилот» учрашуви ўзининг кескинлиги, муросасизлиги билан ажралиб турди. Бунга қадар ўтган учрашууда рақиблари томонидан йирик ҳисобда (4:0) мағлуб этилган Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси жамоаси кучли рақибларига етарлича ташвиш туғдирди. Фақатгина уларга ҳал қилувчи паллаларда бироз омад этишмаслиги панд берди. Айрим ҳолларда эса рақиб жамоа дарвозабони ва химоячилари маҳорат кўрсатишди. Умуман, ушбу гуруҳда «Машинасоз» ва Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг «Устоз» жамоалари пешқадамлик қилишмоқда. «С» гуруҳида кейинги босқичга йўл олган жамоа номи маълум бўлди ҳисоби. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси футболчилари дастлабки икки ўйинда 6 очкони қўлга киритдилар. «Шифокор» (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси) эса гуруҳ учрашувларининг барчасида имкониятни бой берди, мусобақани эрта тарк этди. «D» гуруҳида эса икки жамоа - «Локомотив» ва «Хоразм» футболчилари маҳорат бобида рақибларидан анча устун эканлигини исботлашди.

Голиб ва совриндор жамоалар бугун аниқланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши республикамиз меҳнат ахлини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий химоялаш, меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш билан бирга меҳнат жамоаларида, ишчилар, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, бу орқали уларнинг фаолликларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари натижасида кўплаб спорт мусобақалари, турнир ва спартакиадалар ташкил этилиб, қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, меҳнатқашларни спортга жалб этиш, меҳнат жамоаларида спорт-соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш нафақат жисмоний ва рухий тетиклики, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ҳам таъминлайди.

САЛОМАТЛИК ВА АЪЛО КАЙФИЯТ УЛАШИБ

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро спорт мусобақалари, Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини химоя қилаётган, голибликни қўлга киритиб, Ватанимиз байрогини баланд кўтарётган спортчиларимиз орасида касаба уюшма вакиллари ҳам кўпчиликти ташкил этади. Кунги кеча пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан яна бир йирик спорт тадбири — касаба уюшмалари Федерацияси, унга бирлашган аъзо ташкилотлар ҳамда унинг таърифидаги ташкилотлар аппарат ходимларининг аънавий республика спартакиадаси бошланди. Спартакиаданинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилмоқда.



Таъкидлаш лозимки, спартакиадада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ходимлари ўртасидаги ҳудудий беллашувлар голиблари ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий кўмиталари аппарат ходимлари иштирок этмоқдалар. Спартакиаданинг очиқлиш маросимида ишқибозу мухлислар билан янада гавжумлашган «Яккасарой» спорт мажмуи ўзгача фойз касб этди. Спорт марши садолари остида барча жамоалар майдонга кириб келдилар. Ажойиб спорт мажмуида бу каби спорт тадбирининг ташкил этилиши мамлакатимиз Президенти

камлаш, меҳнат жамоалари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг жуда катта омилдир. Зеро, етакчининг ўзи спортни севса, бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира олади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, зўр ушқоқлик билан ўтаётган спартакиада меҳнат аҳли учун катта тантанадир. Чунки, мазкур тадбир нафақат куч синатиш, балки вилоятлар ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг бир-бирлари билан тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фаолият доираларини кенгайтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ушбу беллашув майдони кўплаб эзгу ишларнинг юзага келиши учун ҳам хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, Спорт — дўстлик элчиси, Спорт — эзгулик улашиди. Бу каби гўзал ташабҳулни кўплаб келтириши мумкин. Бевоқиф спартакиада тафсилотларига қайтсак, иштирокчилар спортнинг энгил атлетика, мини футбол ва теннис турлари бўйича куч синатишмоқдалар.


Энгил атлетика бўйича аёллар ўртасида 60 метрга югуриш, узунликка сакраш, копток улқотириш, эркаклар ўртасида эса 100 метрга югуриш, узунликка сакраш ва граната улқотириш мусобақалари кизгин бормоқда.

Мини футбол ва теннис бўйича дастлабки беллашувлар ишқибозларнинг ҳаяжонларига бой бўлмоқда.

Мухаббат УРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби

СЎЗ - ҚАТНАШЧИЛАРГА

Илҳом ОМОНОВ, Қашқадарё вилоят «Исиклик манбаи» корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси:



Спартакиаданинг теннис бўйича ташкил этилган мусобақаларида қатнашдим. Совринлар бўлмади, фахрли ўринни эгалладим. Лекин ўйинлар осон бўлмади. Чунки спартакиадада ҳаваскор бўлиш ҳамда, кўплаб моҳир теннисчилар иштирок этди.

Кейинги пайтда мамлакатимизда теннис тобора ривожланиб бораётган. Унда истеъдодли ёш теннисчилар етишиб чиқмоқда. Шу билан бирга теннис юрдошларимизнинг сеvimли спорт турига айланиб, оммавийлик касб этапти. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши борлиги қизиқ катта мамнуният бағишлайди. Зеро, энг оммавий жамоат ташкилоти томонидан рес-

публикамизнинг барча жойларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнатқашлар ўртасида оммавийликни таъминлаш мақсадида мунтазам равишда кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика спартакиадаси ана шу ишларнинг узвий давоми ўлароқ қўзғатилмоқда.



Виктория МИНИЕВА, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши жамоаси аъзоси:

Жисмоний тарбия ва спорт билан ошно бўлган киши ҳар доим бардам-ба-

қувват бўлади, маънан етуқликка эришади. Спортнинг, спорт тадбирларининг яна бир муҳим жиҳати шунки, у инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, дўстликни мустаҳкамлайди. Шу маънода фикрлайдиган бўлсак, мазкур йирик спорт тадбирининг аҳамияти беқиёс аёнлашади.

Спартакиада менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, мусобақаларда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ Марказий кўмиталари раҳбарларининг иштирок этиши, барча аппарат ходимлари билан бирга майдонда беллашишлари спартакиадага ўзгача шукҳ, жозиба бағишлади, десам адашмайман.

Ирода АБДУҚОДИРОВА, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ходими:



Энгил атлетика бахсларида иштирок этдим. Совринли ўринларни эгаллаш олмаган бўлсам ҳам, бундан сира ҳафа эмасман. Чунки бу каби мусобақаларда муҳими ғалаба қозониш эмас, балки иштирок этиш ва шу орқали саломатлиқни мустаҳкамлашдир.

Яна бир гап. Оммавий мусобақаларнинг биз аёллар учун аҳамияти беқиёс деб ўйлайман. Чунки жисмоний тарбия ва спорт аёлни янада гўзаллаштиради. Спартакиадан кейин спорт билан жиддий шугулланишга аҳд қилдим.

фулланади. Мен теннис ўйнашни яхши кўраман. Шу боис спартакиада бахсларида доимий қатнашиб келаман. Бу сафарги ўйинлар юқори савияда ташкилланганлигини учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман. Тармоқ Марказий кўмитамиз раҳбарияти бизни спорт кийимлари билан таъминлади. Қулай шартроилар яратиб берилди.

Бурхонхўжа САИДУҲЖАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кўқон шаҳар кўмитаси раиси:

Фурсатдан фойдаланиб бир тақлифни ўртага ташламоқчи эдим. Бугун аёлларнинг спортга жалб этиш муҳими вазифа. Шу боис спартакиада дастуридан аёллар ўртасидаги волейбол мусобақалари ҳам ўрин олса, нур устига аъло нур бўларди.

Азамат РАҲИМОВ, Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқ бўлими мудири:



Мини футбол ўйинлари жуда қизиқарли, муросасиз ўтапти. Хар бир жамоа майдонга фақат ғалаба учун тушмоқда, осонликча имкониятни бой бераётгани йўқ. Айниқса, «Машинасоз», «Авиа-Алоқа», «Устоз», «Шифокор», «Автомобилчи», КУФК ҳамда Наманган вилояти жамоалари ўзаро ҳамжиҳатликда тўп суришяпти. Гуруҳимизда эса бизга «Локомотив» асосий рақиб бўлаётир.

Спартакиаданинг ташкилий жиҳатлари тўғрисида тўхтайдиган бўлсам, барчасидан кўнглим тўлди. Мусобақаларнинг касаба уюшмаларига қарашли «Яккасарой» спорт мажмуасида ўтказиладиганлиги спартакиада маъқени янада оширди. Чунки спорт мажмуи майдонлари замон талабларига бемалол жаоб бера олади.



Саҳифани тайёрловчилар: Абдулхай ЮСУПОВ, Камол ОЛЛОЕВ, Икром ҲАСАНОВ (суратлар), «Ишонч» махсус муҳбирлари

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Спортнинг шундай турлари мавжудки, унда ғалаба қозониш учун бутун жамоа бирлашиб ҳаракат қилмаса, барча уринишлар зое кетади. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи шулар жумласидан. Спортнинг яна бир яққолаш атамиди турлари борки, унда иштирокчи ўз кучи ва иродасига таянишига тўғри келади. Енгил атлетика ҳам спортнинг ана шундай индивидуал турларидан ҳисобланади. Шу боис ғалабага эришиш спортнинг ўзинга маҳоратига боғлиқ.

Хаваскорлар учун ғалабага эришиш унчалик муҳим саналмайди. Уларда бир шийор бор: «Муҳими ғалаба эмас, қатнаш». Шу сабаб бироз эркинроқ ҳаракат қиладилар.

Энгил атлетика мусобақаларида қатнашчилар 25-35 ёшгача ва 35 ёшдан юқори бўлган икки гуруҳга бўлиниб беллашдилар. Биринчи кунда аёллар 60 метр масофада ўз тезорликларини намойиш этидилар. Бу бахсларда Тошкент вилоят касаба уюшмалари вакили Е.Алимбекова маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, унинг ҳамкасби, югуришдан ташқари қатнашчилар копток иргитиш ҳамда узунликка сакрашда ҳам ўзларини синаб кўрдилар. Қондаги кўра, бу учта тур бўйича иштирокчилар кўрсатган натижалар баллар билан баҳолашиб борди.

Кеча енгил атлетика бахслари ниҳоясига етди. Унда 25-35 ёшгача қатнашчи-



лар ўртасида тошкентлик В.Микиева биринчи, сурхондарёлик Ф.Чориева иккинчи ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ходими Г.Коржинкова учинчи ўринни эгаллади. 35 ёшдан юқори бўлган аёллар бахсида Е.Алимбекова (Тошкент вилояти касаба уюшмалари) юқори натижа кўрсатиб голиб бўлди. Фарғоналик И.Оноприенко кейинги ўринга лойиқ топилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси вакили Г.Козлова учинчи ўринни қўлга киритди.

Эркаклар ўртасида кечган бахслар ҳам гоёта қизиқарли кечди. 25-35 ёшлар бахсида Тошкент вилояти вакили Т.Ҳамзаев зафар қўчди. У барча турлар бўйича муваффақиятли иштирок этди. Иккинчи ўрин Ш.Қодиров (КУФК)га насиб қилди. Кейинги ўринни Давлат муассалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси вакили У.Ибрагимов эгаллади.

35 ёшдан юқори бўлган қатнашчилар беллашувида алоқачилар вакили С.Абдуғаниев биринчи бўлди. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси аъзоси Йулчибой Раҳимжонов харчанд уринмасин кейинги ўринга кўтарилди. Учинчи ўрин Р.Назаровга (Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси) насиб қилди.

ТЕННИС



Теннис - мўъжизакор ўйин. Шу боис бўлса керак, бу ўйин азал-азалдан мавжуд. Дарвоқе, ушбу спорт турини қироллар ўйини деб ҳам аташади. Сабаби бир пайтлар бу ўйин билан фақат бой-бадавлат одамларгина шугулланиш имкониятига эга бўлган. Кейинчалик у кенг халқ орасида оммалашган. Кичкинагина теннис коптоғини ракетка билан уриб рақиб томонга йўналтириш ҳам кишидан анча маҳорат талаб қилади.

«Яккасарой» спорт мажмуаси теннис кортиларида кечган ўйинларни кузата туриб, ана шунга амин бўлди. Қатнашчиларнинг бари хаваскорлар бўлиб, улар ўз имкониятлари доирасида ўйин намойиш этишди. Зарбалар ҳам унчалик кучли эмас, ҳаракатлар ҳам бироз суст. Бу фикрлар биринчи кунги кечган ўйинлар ҳақида эди. Кейинги кунги бахсларни кўриб, таассуротларимиз алдамчи эканлиги, бироз адашганлигимизга амин бўлдик.

Хусусан, эркаклар ўртасида кечган ярим финал ўйинлари жуда қизиқарли ўтди. Айниқса, биринчи кортда Турдиқул-Юсупов ўртасидаги ўйин жуда муросасиз кечди. Узоқ вақт давом этган қизгин курашлардан сўнг Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг буюролик вакили Нурмухаммад Юсупов финалга йўл олди. Иккинчи ярим финалнинг Саидхўжаев-Бутаев бахсида голибликни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси жамоасининг аъзоси қўлга киритди. Демак, финалда Н.Юсупов ҳамда Б.Саидхўжаевлар кортга тушадилар.

Аёллар ўртасидаги бахсларда ярим финалнинг биринчи жуфтлиги Бигеева ва Жабборова ҳамда иккинчи бахсда Юсупова ва Ҳамроева куч синашадиган бўлди.



